

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУМИНОВА ОЙГУЛ ЖУМАЕВНА

**ЎҚУВЧИЛАРГА ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШДА
МАКТАБ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мударижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Холмунинова Ойгул Жумаевна

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла
ҳамкорлигини такомиллаштириш.....5

Холмунинова Ойгул Жумаевна

Совершенствование сотрудничества школы, семьи и махалли в осуществлении
эколого-правового воспитания учащихся.....25

Kholmuminova Oygul Jumaevna

Improving the cooperation of the family and makhalla, schools in the
implementation of environmental and legal education of students..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУМИНОВА ОЙГУЛ ЖУМАЕВНА

**ЎҚУВЧИЛАРГА ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШДА
МАКТАБ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1089 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.terstu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойкулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна
педагогика фанлари доктори, профессор
Усмонов Муҳаммади Бахритдинович
юримдик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111 Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, E-mail: termizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабр кунин тарқатилди.
(2021 йил «15» декабр даги 175 рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Чориев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
М.К.Бозорова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент
И.Аллаков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув даврида таълим муассасаларидаги устувор вазифалардан бири-ёшларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Халқаро ташкилотлар томонидан “Таълим-тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” деб эътироф этилиши муносабати билан, ўқувчилар билимини баҳолаш (PISA), технология таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этишни баҳолашда (STEM)дан фойдаланилмоқда ҳамда ёшларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасида аниқ ва тизимли амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёда ёшларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ва педагогика фанининг методик таъминотини такомиллаштириш, экологик-ҳуқуқий тарбияни замон талаби асосида янги инновация талабларига мослигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, экологик-ҳуқуқий тарбия жараёнида амалий машғулотларнинг виртуал шакллари жорий этиш, педагогика фанининг фанлараро боғлиқлигини акс эттирувчи машғулотлар мажмуи асосида экологик-ҳуқуқий тарбия бериш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия бериш соҳасини сифат жиҳатидан жадал ривожлантириш, бу борада ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, профессионал экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, экологик-ҳуқуқий таълим методикасини такомиллаштириш, педагогика фанини чуқур ва пухта ўрганишга эътиборни қаратиш, Давлат таълим стандартлари (ДТС) да кўзда тутилган мезонлар асосида, ўқитувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбияни олиб бориш каби вазифалар белгиланган бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш вазифалари аниқ белгиланган”¹ бўлиб, ўқувчиларни экологик-ҳуқуқий тарбиялаш тизими компонентлари ва компетенциялари мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, экологик-ҳуқуқий тарбиялаш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/4312785>

мазмуни, шакли, метод ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ёши ва ижтимоий ҳолатини инобатга олиб тадқиқот ишларини амалга ошириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрда “**Ўқитувчи ва мураббийлар**” кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг илғор вакиллари бўлишлари керак”², - деб алоҳида таъкидлаган эди.

Шу муносабат билан, Юртбошимиз ташаббуси асосида “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишда ёшларни фаол жалб этиш бўйича **Махсус дастурни** амалга ошириш таклиф этилмоқда. Бу келажақда “**яшил**”, яъни экологик тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш маданиятини шакллантиришга катта имконият яратиши алоҳида кўрсатиб ўтилди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар” кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи”.//<https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-ituv-30-09-2020>.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик-2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқи.// <https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-yashil-osish-va-global-maqсадlar-uchun-hamkorlik-2030-p4g-ikkinchi-xalqaro-sammitidagi-nutqi> 271627.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактаб ўқувчиларига экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлиги тушунчаларини тарбиялаш масаларига Шарқ мутафаккирлари Ибн Сино, Беруний, Форобий, Кайковус, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Бобур ўз асарларида катта эътибор берганликларини ҳам кўрамиз.

Мамлакатимизда А.Адиев, Қ.Абирқулов, Б.Адилов, Б. Зиёмухамедов, И.Чориев, Ш. Авезов, Ю.Маҳмудов, С.Мамашокиров, Ю. Шодиметов, Ҳ.Саломова, М.Иномова, Н.Исакулова, Ҳ.Омонов, Э.Турдиқулов, С.Абдухолиқов, М.Мирҳосилов, Х.Худойқулов, Б.Қодиров, М.Ҳайдаров, П.Қодиров. М.Ҳошимова, М.Ибодуллаев, К.Мухаммедиев, С.Кенжабоев, М.Бозорова ва Н.Эгамбердиеваларнинг илмий ишларида экологик-ҳуқуқий тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг илмий-назарий таҳлили кенгроқ кўрсатиб берилган.

Ушбу муаммонинг илмий-назарий томонлари руҳшунос олимлардан А.Жабборов, М.Давлетшин, В.Каримова, З.Нишонова, Н.Сафаев, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, Н.Соғиновлар ва педагог олимлар О.Мусурмонова, М.Ахмедова, Н.Исакулова, Х.Худойқулов, Р.Маматқулова, Ш.Атаджанов, Ў.Асқарова, А.Мухсиеваларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, мазкур масала мамлакатимиздаги ҳуқуқшунос олимлардан А.Саидов, У.Тожихонов, Ҳ.Бобоев, М.Нажимов, Ж.Холмўминов, Р.Турдибоева ва бошқаларнинг бир қатор илмий ишларида ёритилган⁴.

МДҲ Россия олимларидан В.Беспалько, И.Крассов, М.Лукияненко В.Мамонов, М.Комаров, Н.Шилин, В.Гурларнинг ишларида, шунингдек, Тошкент давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Термиз давлат университетида ушбу масалани ўрганиш бўйича алоҳида изланишлар олиб борилган.

Жаҳонда ўқувчиларига экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлигини ўрганиш, уни такомиллаштириш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хорижлик олимлардан М.Грей, К.Хардинг, А.Блакман (АҚШ), В.Немец, Л.Немцова (Чехия), А.Трембецкий (Польша), Ф.Вильке (Германия), Ж.Бюсак (Франция), И.Мартинес (Испания), Г.Гольдларнинг ишларида масаланинг умумий назарий жиҳатлари ёритилган.

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлигини ўрганиш масалалари борасида маълум бир ишлар амалга оширилган бўлсада, аммо яхлит бир тадқиқот доирасида ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети ва Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва

⁴Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

унга мувофиқ Ф1-ФА-0-20-737 рақамли “Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили” (2012-2017 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб ўқувчиларига экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафа, педагогика, ҳуқуқшуносликка оид илмий-методик адабиётлар таҳлили асосида ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштириш жараёнини таҳлил қилиш ва маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини ёритиш;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришга оид назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни аниқлаш ҳамда унга оид бериладиган тарбиянинг умумназарий ва умумдидактик асосларини ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришни моделлаштириш, уни илмий-назарий жиҳатдан тажриба-синовлари мисолида асослаш орқали ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ва узлуксиз таълим тамойилларини ҳисобга оладиган тизимни таклиф қилиб, уни амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини устуворлиги даражасини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёни белгиланиб, Сурхондарё вилояти, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчиларидан 595 нафари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактаб ўқувчиларига экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг устуворлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, киёсий-таққослаш), диагностик (суҳбат, сўровнома, кузатиш, анкета, интервью, таснифлаш), тест топшириқлари, педагогик кузатув, ўқитувчи ва ўқувчи, мактаб раҳбарияти ва ота-она, маҳалла фаоллари билан суҳбат ўтказиш, педагогик тажриба-синов (маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни диаграмма ва график тасвирлаш ва бошқалар) каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги устуворлигининг педагогик-психологик имкониятлари (мотивацион, интеллектуал)нинг аҳамияти миллий анъана, ҳуқуқий мерос, диний-экологик қадриятлар мутаносиблигини ментал-этнопедагогик хусусиятларга (устувор йўналишлари, маросимлар, қадриятлар) уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг тизимли ва мазмунли модели ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик ва ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органларининг ўзаро боғлиқлиги методик, умумқасбий компетенцияларни, интегратив, ташкилий, диагностик функциялари ва педагогик, компетенцияларини ўзаро интеграциялаш асосида модулли таълимга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини замонавий ривожлантириш моделининг вазифалари, восита ва шакллариининг танланиши орқали ўқувчи шахсининг комиллик жараёни таҳлили аниқлаштирилиб, ўзини ўзи коррекциялаш ва ҳиссиётли-қадрли муносабатлари мутахассисликка мос, касбга йўналтиришга асосланган, тизимлаштирилган ва дастурлаштирилган ахборот таъминоти экологик-ҳуқуқий тарбия самарадорлигини таъминловчи асосий воситалар эканлиги далилланган;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини барқарорлаштиришда маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, герентопедагогик имкониятлар (маърифат ва ибрат, тажриба ва муносабат, маънавий-ахлоқий муҳит) ўзаро ҳамкорлик стратегияси ва миллий анъаналарни замонавий талабларга идентив мослаштириш (анъанавий ва замонавий кадриятлар интеграциялашуви)нинг глобал ва локал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаби ўқувчиларига экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигидан фойдаланиш аҳамияти ва мазмуни педагогик жиҳатдан очиб берилган;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришда тизимли ёндашишни замонавий ривожлантириш технологияси суҳбат, учрашув, давра суҳбати, маъруза, кўргазма ташкил этиш, семинар, конференция, дебат, амалий тренинг, танлов каби хусусиятлари кўрсатилган;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришдаги замонавий модель ва унинг моҳияти ёритилиб, тегишли манбаларни ўрганиш, амалий машғулот, намойиш этиш, кўргазмалилик, экскурсия, “Идрок харитаси”, “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Бумеранг” каби методлардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

педагогик тажриба-синов натижалари ҳамда хулоса ва тавсиялар асосида “Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия” курсини ўқитишни ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, ишда педагогиканинг сўнги ютуқларидан фойдаланганлиги ва таҳлилларда педагогика таълим соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг, тадқиқот вазифаларига мос ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқотнинг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-

статистик методлар ёрдамида таҳлили қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот натижалари педагогика соҳасидаги илмий-назарий қарашларни янги маълумотлар билан бойитиш, шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларни самарадорлигини таъминлашда, шунингдек, умумтаълим мактаби ўқувчиларига экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Педагогика” фани мазмунини янги тушунчалар билан бойитишга хизмат қилиб, ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия бериш билан боғлиқ монографик, ўқув услубий мажмуа, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари қуйидагилар асосида:

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришга тизимли ёндашиш орқали экологик-ҳуқуқий тарбияга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар асосидаги натижалардан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарорига асосан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси” ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси ва Жамоатчилик Кенгашининг 2018 йил 9 октябрдаги 03-01/6-4289-сон, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитасининг 2019 йил 16 майдаги 03-2361-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия бериш жараёни ва мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган мезонларга оид таклифлардан Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази фаолиятида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказининг 2019 йил 4 декабрдаги 02/4-9-01/143-сон, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 2020 йил 10 январдаги 04/1-2-сон маълумотномалари). Натижада, ўқувчиларга ўқитиладиган “Конституция оламига саёҳат”, “Тарбия” ва “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанларидан дарс ўтишда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази таълим фаолиятини такомиллаштиришга эришилган;

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашда жамоат ташкилотлари фаолияти ўрни ва ролини янада такомиллаштиришга оид ҳулосалардан “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “ЭКОСАН” Экология ва саломатлик Халқаро Хайрия Жамоат Фондининг 2020 йил 10 февралдаги 5-сон маълумотномаси). Натижада, “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди томонидан ўтказилган тадбирларда экологик-ҳуқуқий тарбия беришда оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг самарадорлигига эришилган.

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришда умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлар асосида экологик таълимни самарадорлигини оширишга оид тақлифлардан Ўзбекистон Республикасини Халқ таълим вазирлиги ҳузуридаги А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ҳузуридаги А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг 2020 йил 19 июндаги 01/09-407-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори 4-бобининг 16-17-18-19-20 ва 21-бандлари ҳамда “Мактабдан ташқари таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш” га бағишланган 9-бобнинг 46-47-48-бандлари талабларини амалга оширишга хизмат қилиб, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Конституция оламига саёҳат” фанларидан дарс ўтишда татбиқ этилган;

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришда илғор таълим технологияларини жорий қилиш ва дарсларни замон талаблари асосида олиб бориш (ибрат, тажриба, муносабат ва экологик-ҳуқуқий маданият) дан самарали фойдаланишга оид тақлифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги 89-03-2477-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қароридан кўрсатилган педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий экологик-ҳуқуқий билим ва соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилишда замон талаби асосида олиб боришни такомиллаштиришнинг самарадорлик даражасини оширишга эришилган;

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини замон талаби асосида олиб бориш, экологик ва аграр қонунларнинг аҳамиятини экологик-ҳуқуқий манба сифатида кенг ўрганиш

ва уларни устиворлигини таъминлашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2020 йил 30 июндаги 04/4-05-1762-сон маълумотномаси). Натижада, педагогика таълими соҳасини янада такомиллаштириш, ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини замон талаби асосида олиб боришда экологик ва аграр қонунларнинг аҳамиятли ҳамда ўта муҳим эканлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 28 та, шундан 8 халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида мутахассислар муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув-услубий қўлланма, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 2 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 143 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг илмий-назарий масалалари”** деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат. Унинг биринчи параграфиди ўқувчиларга Шарқ мутафаккирлари меросида экологик-ҳуқуқий тарбия (ЭХТ) беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг тарихий аҳамияти ва унинг мазмуни ёритилган. Ўқувчиларга ЭХТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришга оид тушунчаларни шакллантириш муаммолари жараёнида халқимизнинг миллий кадриятларини, машҳур аллома ва мутафаккирларнинг шу соҳадаги фикрлари ҳамда ўғитларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи қадимдан экологик-ҳуқуқий маданият ва маънавиятга эга бўлганлиги Шарқ мутафаккирларининг бир қатор асарларида таъкидланган бўлиб, уларнинг ҳозирги кундаги ўқувчиларни ЭХТ лашдаги аҳамияти катта. Шу маънода тадқиқот ишида ўқувчиларга ЭХТни шакллантиришнинг услубий асослари қуйидаги мазмунни қамраб олиши курсатилган: ўқувчилар шахсининг моҳияти экология жамият ва техниканинг ўзаро муносабатлари мажмуида намоён бўлиши; ўқувчиларнинг табиатга муносабати, ахлоқ одоб ҳақида умумбашарий кадрият – Бухорий, Абу Исо Термизий ҳадислари ва Шарқ мутафаккирлари ғояларига таяниши; ўқувчиларнинг тарихдаги экологик муҳитни асраш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар, уларга қўлланилган жазо чоралари ҳақидаги қонунлар тўпламларини билишлари; она-табиат, экологик муҳитга масъуллик муносабатини таркиб топтириш, ўқувчиларга оила, мактаб ва маҳалланинг муҳим мақсади бўлиб, у ўқувчилар шахсининг ҳар томонлама камол топганлигини кўрсатиш; экологик муҳитга масъуллик муносабати унинг турли хил: ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий, маърифий, сиёсий жиҳатларини уйғун ривожлантириш асосида таркиб топиши мақсадга мувофиқ. Маълумки, ўқувчиларнинг ЭХТ сини шакллантириш кечиктириб бўлмас заруриятга айланиб бориши лозимлиги асослантирилган.

Зеро, оила, мактаб ва маҳаллаларда ўқувчиларга дарсларда Шарқ мутафаккирларининг экологик-ҳуқуқий ғояларини кенгроқ тушунтириш, шунингдек, бу соҳадаги ота-боболаримизни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология соҳасидаги урф-одатларни кенгроқ қўллаш, жумладан, **“экологик хашар”**ларни кўпроқ ташкиллаштириш ўқувчиларга ижобий

таъсир қилиши таъкидланган. Шунингдек, ўқувчиларга ЭХТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг умумий-назарий, методологик тавсифига бағишланган 2 параграфиди ўқувчиларга ЭХТ га оид тушунчаларни шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, улар батафсил очиб берилган.

Ҳар бир мактаб, маҳалла, коллеж ва олий таълим муассасаларида-Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва “**Экологик ҳуқуқ бурчаги**” ташкил этилиб, унда экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия соҳасидаги фикр ва ғоялар кўргазма сифатида ўз ўрнини топиши, ёшларимизга экологик-ҳуқуқий жиҳатдан таълим ва тарбия беришда ижобий натижа беради. Ўқувчиларга ЭХТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштиришда инновацион таълим-тарбия бериш тамойиллари ва технологияларига амал қилиш ва уларни бажаришга эътибор берилганлиги муҳим.

Экологик-ҳуқуқий билим беришнинг илмийлик, кўргазмалилик, www.ziyouz.com kutubxonasi мунтазамлилик ва давомийлик, ҳаёт билан боғлаш, таълим билан амалиёт бирлиги, онглилик ва фаоллик, тизимли ва изчиллик, таълим-тарбия бирлиги тамойиллари-экологик билимларни ҳаётда қўллай олишга ўргатиш ҳамда ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга оширишни тақозо этиши кўрсатилган.

Тадқиқотчининг фикрича, кўрсатилган ушбу тамойиллар ўқувчиларга экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия беришда умумий раҳбарий манба бўлиб ҳисобланади. Ишда таъкидланганидек, юқорида кўрсатилган ЭХТнинг тамойилларига амал қилиш ва бажариш табиат, табиий атроф-муҳит билан ўқувчилар алоқадорлиги муносабатларининг алоҳида йўналишини вужудга келтиради ҳамда биринчидан, ўқувчилар ўзларини табиатнинг “**ажралмас қисми ва бир бутун бўлаги**” деб қарашлари; иккинчидан, ўқувчилар табиатни ҳаёт фаолиятининг асосий экологик-ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берувчи омил, кадрият сифатида қабул қилишлари; учинчидан, инсон табиат билан алоқадорлигининг барча турлари ўзаро экологик-ҳуқуқий манфаатдорлик асосидагина амалга оширилса, табиат билан инсон ўртасидаги уйғунлик намоён бўлади ва бу уйғунлик бузилса, экологик фожеа юз бериши мумкинлиги таъкидланган.

Ўқувчиларга юқорида кўрсатилган тамойиллар асосида экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияни тўғри олиб бориш ва шакллантириш ҳамда уларнинг ушбу йўналишидаги амалий фаолиятларини кенг йўлга қўйиш, экологик-ҳуқуқий тарбияни юқори савияга кўтаришга ёрдам бериши асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби, “**Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини такомиллаштириш шакл ва методлари**” деб номланиб, биринчи параграфда ўқувчиларга ЭХТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топган. Жумладан, ўқувчиларга ЭХТ га оид тушунчаларни шакллантиришда мактаб, оила ва

маҳалла ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятлари борки, уларга амал қилиш ёшларга ЭХТ беришда самарали таъсир кўрсатиши асосланган бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Ўқувчиларга ЭХТ нинг бир мақсадга қаратилганлиги. 2. Ўқувчиларга ЭХТ беришнинг ҳаёт билан боғлиқлиги. 3. Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбиялашда жамоанинг таъсири. 4. ЭХТ беришда ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш, унга бўлган талабчанлик ва қонун устуворлиги. 5. Ўқувчиларга ЭХТни олиб боришнинг кетма-кетлиги, изчиллиги, тизимлилиги ва бирлиги. 6. Ўқувчиларга экологик таълим тарбия беришда уларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш.

Тадқиқот ишида ўқувчиларни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашнинг ўзига хос бир қатор хусусиятлари, жумладан, аста-секинлилик, алоҳидалик, умумийлик, ўқувчилар экологик-ҳуқуқий тарбиясини ташкил этишда уларнинг ёшини эътиборга олишнинг ижобий натижа бериши кўрсатилган. Шунингдек, мактаб ўқувчилари учун **“Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия бериш”** мавзусида **махсус ўқув курси** ўқитилиши мақсадга мувофиқ деб, унинг тахминий тизими таклиф этилган.

Бугунги кунда мактабларда ўқув жараёнига **клиник юридик таълимни** татбиқ этиш юзасидан етакчи хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан кенг ва унумли фойдаланиш ҳамда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларинидан фойдаланиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш муҳимлиги асослаб берилган.

Мазкур бобнинг ўқувчиларга ЭХТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги асосида ўтказиладиган амалий тадбирларнинг шакл ва усулларига бағишланган 2-параграфидида ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия беришда турли шакл ва методлардан фойдаланиш, унинг таъсирчанлигини ошириб, ЭХТ бериш жараёнини мустаҳкамлашининг аҳамияти кўрсатилган.

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия бериш методларини икки қисмга бўлиш мумкин, яъни: **1. Ўқувчиларга ЭХТ бериш методлари.** **2. Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълим бериш методлари.** Мактабларда экологик-ҳуқуқий тарбия беришнинг айрим шакл ва услублари.

Бу икки жараён бир-биридан фарқ қилиб, асосан ягона бир мақсадга қаратилганлиги ва доимо бир-бирини тўлдириб бориши асосланган. Ҳар қандай жараёнда ўқувчиларга ЭХТ бериш методлари, ЭХТ мақсад ва мазмунидан келиб чиқиб, табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни келажак авлод учун сақлаш мақсадида, комил инсон шахсини тарбиялашга қаратилган бўлади. ЭХТ ўқитувчиларининг экологик-ҳуқуқий фаолиятидагина эмас, балки ўқувчиларнинг экология соҳасидаги фаол иштирокини ўзида намоён этиши алоҳида таъкидланган.

1-жадвал

Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълим тарбия беришнинг шакл, метод ва воситалари

Таълим шакллари	Усуллар	Ёрдамчи воситалар
1. Дарс жараёни	Тушунтириш, уқтириш, индуктив, дедуктив, виртуал, интерфаол.	Слайд, плакат ва газеталар; экология соҳасидаги чиқишлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар
2. Амалий машғулотлар (сухбат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари билан учрашувлар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи орган вакиллари билан учрашувлар, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш оталиққа олиш ва бошқалар).	Ўз ўрнини топ, ажурли арра, елпиғич, кластер, ибрат-намуна.	Журналлар, экологик муаммоларни олдини олиш бўйича тайёрланган буклетлар, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари.
3. Мустақил таълим ва уйга вазифа	Чизма, тест тайёрлаш, масала ечимини топиш, қўшимча адабиётлар асосида мустақил ишлар таёрлаш.	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир манбалар.
2. Мактабларда экологик-ҳуқуқий тарбиявий ишларни ташкил этиш.		
Дарс жараёнида:		
Дарсларни экологик маънавий меросимиздан фойдаланган ҳолда ташкил этиш. Ҳадислардан намуналар келтириш, Қуръони каримдан фойдаланиш. Буюк мутафаккирларимизнинг экологик-ҳуқуқий тарбия борасида келтирган фикрлари ва ғояларидан фойдаланиш.		
Амалий машғулотларда:		
Маъруза мавзуларига оид экологик қонунларнинг мақсад ва моҳиятини тушунтириш, уларнинг ижроси ва қўлланилиши ҳақидаги тушунчалар билан бойитиш.		
Мазкур мактаб жойлашган ҳудудлардаги мавжуд экологик-ҳуқуқий муаммолар ҳақида маълумотлар бериш ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида ўқувчилар билан дарс жараёнида фикр алмашиш.		
Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда республикамизда мавжуд бўлган экологик-ҳуқуқий муаммолар ҳақида хабардор этиб бориш ва уларни олдини олишга чақириш.		
Ёш ўқувчи-экологлар тўғарагини ташкил этиш:		
Экология ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ҳафталигини ўтказиш.		
“Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ойлиги” синфлар ва синфлараро тадбирлар уюштириш.		

ЭХТ методларини тегишли вазифаларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: экологик-ҳуқуқий билимларни ўргатиш, ишонтириш, ибрат-намуна кўрсатиш, тушунтириш ва уқтириш. Демак, ўқувчиларга ЭХТ беришда, уларга нисбатан талабчан бўлиш, экология ва атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал этишда уларга ғамхўрлик қилиш, йўл кўрсатиш катта аҳамиятга эга бўлиб, барча усулларни бирга олиб боришни тақозо этади.

Мактабларда ўқувчилар ўртасида қуйидаги тадбирларни олиб бориш ЭХТни кучайтириш жараёнида ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Экологик-ҳуқуқий мавзуга оид деворий газеталар; экологик-ҳуқуқий мавзуга оид плакатлар; экологик-ҳуқуқий мавзуга тегишли оммавий ахборот воситаларидан кенг ва унумли фойдаланиш; экологик-ҳуқуқий мавзуга бағишланган шеърлар танловини ташкил этиш; экологик-ҳуқуқий мавзуга оид мақолалар танловини ташкил этиш; экологик-ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмиталари ходимлари ва бошқа ваколатли орган вакиллари иштирокида суҳбатлар, кечалар ўтказиш. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида экологик-ҳуқуқий таълимни олиб бориш, асосан, ўқитишнинг **индуктив** ва **дедуктив** методларига таянади. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари-ўқув материаллари мазмунининг тавсиф ва мантиқини ёритиш методи педагогик аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган.

Вертуал-метод. Мазкур методни экологик-ҳуқуқий таълимда қўлланилиши, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, экологик-ҳуқуқий соҳада ўқувчилар олдига мустақил равишда экологик-ҳуқуқий билим олишни мустаҳкамлайди.

Интерфаол метод. Бугунги кунда ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълимни олиб боришда ноанъанавий дарс методига кирувчи ушбу интерфаол методдан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради.


Ахборотни узатиш методида экологик-ҳуқуқий таълим жараёнини кенгроқ ва қизиқарли олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиб, у илмий-амалий ҳамда ҳаётий аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ЭХТси самарадорлигини оширишда мактабларда ўтказилиши мумкин бўлган режа асосидаги экология ҳафталиги тадбирларини янада кучайтириш ва уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириб боришлиги таъкидланган.

Мазкур бобнинг “Ўқувчиларга ЭХТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида олиб бориладиган ижтимоийлашув узлуксизлигини таъминлаш йўллари” номли 3-параграфиди ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

Жумладан, оилада, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, академик лицей, профессионал ва олий таълимда ёшларимиз бевосита аниқ йўналиш ва мутахассисликларга эга бўлиб, экологик-ҳуқуқий билим савияларини ўз соҳалари асосида ўзлаштирадилар. Кейинчалик магистратура ва таянч докторантура даврида аниқ мутахассис бўлган, чуқур экологик ҳуқуқий билим савияга, маънавият ва маданиятга эга бўлган ўқувчиларимиз ҳаёт ва

илм-фан йўлидаги кўплаб ижобий ишларни амалга ошириб, илм-фан соҳасида магистрлик ва педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларни ҳимоя қилишлари ижобий натижа беришлигига асосланиб ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия беришнинг модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўқувчиларга экологик-ҳуқуқий тарбия бериш модели

Диссертациянинг учинчи боби “Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш”, деб номланиб, у 2 параграфдан иборат.

Биринчи параграфда ўқувчиларга ЭЎТ беришда педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, уни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари аниқ ифода этилган.

Биринчи босқичдаги, яъни аниқловчи тажриба мақсади-тадқиқот ишларига тайёргарлик уюштириш ва ўтказиш, экологик-ҳуқуқий тарбияни шакллантириш шакл ва методларини аниқлаш, методик ишларни олиб бориш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш, ўқувчиларнинг ЭЎТсини шакллантириш тартибини ишлаб чиқиш жараёнидан иборат. Тажриба-синовнинг мақсади олиб борилган тажриба натижалари асосида ўқувчиларга ЭЎТ беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг шаклланишига доир ишончли ва тегишли маълумотларни йиғишдан иборат эканлиги кўрсатиб берилган.

Тажриба-синовни ўтказишда қуйидаги муаммолар эътиборга олинди:

1. Танланган иш мактаб ўқувчиларида шаклланиши лозим бўлган экологик-ҳуқуқий тарбия тизими. 2. “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Тарбия” фанларини ўқитиш орқали экологик-ҳуқуқий тарбияни шакллантириш материалларининг танланган иш таълим мактаблари ўқувчилари томонидан қай даражада назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштирилиши. 3. Тажриба гуруҳлари учун тайёрланган материалларга нисбатан ўқувчиларнинг қизиқишини ҳисобга олиш. 4. Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ҳамда анъанавий усулда ташкил этилган дарс машғулотларида ўзлаштирилиши лозим бўлган ЭЎТ ни шакллантирилишини ўзаро таққослаш. 5. Дарс ва амалий машғулотларда, дарсдан ташқари машғулотларда тавсия этилаётган материалларнинг илмий дунёқараш ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилиши. 6. Ўқувчиларда ЭЎТни шакллантиришда инновацион ёндашув масалаларига эътибор қаратилди.

Диссертация тадқиқотида тажриба гуруҳ ўқувчиларида ЭЎТни шакллантириш учун тавсия қилган материалларни ўтказиш жараёнида қуйидаги талабларга риоя қилинди:

1. Шаклланиши лозим бўлган ЭЎТга оид материаллар ўқувчиларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда содда ва тушунарли тайёрланди. 2. Ўқувчиларда экологик-ҳуқуқий таълим-тарбиянинг кенг ва чуқур ўзлаштирилишига катта эътибор берилди. Шунингдек, танланган методларнинг ижобий таъсир этиши ва уни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов босқичида тайёрланган материаллар амалда ўз натижасига эришгандан сўнг ўқувчиларда экологик-ҳуқуқий тарбияни шакллантиришнинг илмий, педагогик ва методик омилларига оид қўлланма ўқитувчиларга тақдим этилди. Тадқиқот ишида ўқувчиларга ЭЎТ беришда педагогик тажриба-синов натижалари ва уларнинг таҳлилига бағишланган иккинчи параграфда, умум таълим мактаб ўқувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган ЭЎТ қуйидаги **усуллар** билан баҳоланиши кўрсатилган:

экологик мазмундаги ёзма-назорат ишлари, чизма-слайдлар асосида баҳолаш; экологик-ҳуқуқий мазмундаги муаммоли вазиятни ечишга қараб баҳолаш; тест саволларига олинган жавоблар орқали баҳолаш; мавзуга доир берилган саволларга олинган оғзаки жавоблар орқали баҳолаш; юқорида таъкидлаб ўтилган усуллардан текширилиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенциялар (БКМ ва К) элементларининг номи ва сони аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўқувчиларнинг экологик-ҳуқуқий тарбияланганлигини баҳолаш усуллари ва баллари

Усуллар	Ёзма иш	Чизма-слайд	Масала	1-тест	2-тест	3 -тест	4 -тест
БКМ сони	4	4	4	10	8	8	8
Бали	5	5	5	5	5	5	5

Экологик-ҳуқуқий мазмундаги ёзма-назорат ишларини баҳолаш мезонлари:

1. **Аъло** – берилган вазифа мазмунини тўғри тушуниб, саволларга тўла жавоб берган ҳолда илмий хатоликларга йўл қўймай экологик-ҳуқуқий тарбия мазмунининг мантиқийлигини сақлаган ҳолда орфографик ва грамматик хатоликларсиз, пухта ёзилганлиги назарда тутилди.

2. **Яхши** – берилган вазифа мазмунини тўғри тушуниб, унга атрофлича ёндашиб, ёзма иш мазмунида мантиқ сақлаган ҳолдаги топшириқларни баъзи орфографик ва грамматик хатосиз ёзилганлигини ҳисобга олинди.

3. **Қониқарли** – ёзма иш учун берилган топшириқларни тўғри тушунмай саволларнинг айримларига жавоб ёзиб, мантиқий чалкашликлар қайд этилиб, орфографик ва грамматик хатоликлар борлиги назарда тутилди. Олинган маълумотларга кўра, 2017-2020 ўқув йилларида вилоятлар кесимида мактаб ўқувчиларини экологик-ҳуқуқий тарбияланганлик даражаси натижалари 3-жадвалда келтириб ўтилган.


3-жадвал

Ўқувчиларни экологик-ҳуқуқий тарбиялаш самарадорлиги


Мактаб т/р	Тажриба гуруҳи (276)				Назорат гуруҳи (319)			
	Ўқувчилар	Аъло	Яхши	Қониқарли	Ўқувчилар	Аъло	Яхши	Қониқарли
Сурхондарё вилоятининг Термиз, Қумқўрғон ва Музработ туманлари баъзи мактабларидаги 9-синф ўқувчилари								
11	27	17	7	3	30	15	8	7
27	29	18	6	5	37	16	12	9
46	30	19	7	4	35	17	10	8
Жами:	86	54	20	12	102	48	30	24
Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги 305-, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 54-, 11-умумтаълим мактабларидаги 10-синф ўқувчилари								
305	32	19	9	4	34	14	13	7
54	34	22	10	2	36	16	12	8
11	29	19	7	3	40	15	16	9

Жами:	95	60	26	9	110	45	41	24
Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани 27-, Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани 305-, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги 54- умумтаълим мактабларидаги 11-синф ўқувчилари								
27	29	18	8	3	37	15	12	10
305	32	20	20	4	34	15	12	7
54	34	23	18	2	36	18	11	7
Жами:	95	61	46	9	107	48	35	24

Тажриба-синов якунида назорат ва тажриба синфлари учун ўқувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва компетентнинг малакалари ва ЭҲТсининг шаклланиши даражаларида фарқ борлиги аниқланди.



2-расм. Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 27-мактаб.



3-расм. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги 54- мактаб.

2-расмда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 27- мактаби ва 3-расмда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги 54-умум таълим мактабларида назорат ва тажриба гуруҳларининг самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билим дараражалари кўрсаткичларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади. Буни 2- ва 3-расмдаги натижалар исботлайди. Аниқланган фарқни ишонарли эканлигини текшириш учун χ^2 (хи-квадрат) методидан фойдаландик. Унга кўра, қуйидаги формулада акс этирилади: $\chi^2(x-y)^2$, бу ерда: x-тажриба гуруҳ ўқувчиларининг кўрсаткичлари, у-назорат гуруҳлари ўқувчиларининг кўрсаткичлари.

